

МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИ

Қобилов Воҳид Зоҳидович

Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги

бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистри.

Email address: qobilov_vohidjon@mail.ru

tel +998979609000

Аннотация: Мамлакат иқтисодиётининг тузилиши ва тарихий хусусиятларидан келиб чиқиб, у ёки бу тизимнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари, молиявий бозорлар ривожланиб бориши ва босқичма босқич қимматли қоғозлар бозори вужудга келиши, ривожланаётган бозорлар учун банк тизимининг муҳимлиги, даромадлар кўпайиб бориши билан молия бозорларининг аҳамияти ҳам ортиб бориши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Марказий банки, Молиявий бозорлар, молиявий интизом, кредитлаш, очик бозор сиёсати, жаҳон амалиёти, кредит бозори, кредит ресурслари, қимматли қоғоз, очик бозор

КИРИШ Дунё мамлакатларининг молия тизимлари таҳлил қилинганда уларни иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Булар, банкларга асосланган молия тизими ҳамда бозорларга асосланган молия тизимлари ҳисобланади. Банкларга асосланган тизимда банклар молиявий бозорнинг асосий иштирокчиси ҳисобланади, аксинча, бозорга асосланган молия тизимида қимматли қоғозлар ва облигациялар савдоси орқали молиялаштириш асосий манбаларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоиз, мамлакат иқтисодиётининг тузилиши ва тарихий хусусиятларидан келиб чиқиб, у ёки бу тизимнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Бунда, молиявий тизимларнинг шаклланиши шартлари маълум бир кетма-кетлик ва тегишли босқичларга асосланади. Молиявий тизимнинг шаклланишида дастлаб банк тизими, кейинги босқичда эса давлат облигациялари бозори вужудга кела бошлайди.

Глобал иқтисодиётда инвесторларнинг келажакка бўлган ишончининг пастлиги, умумий даромадларнинг қисқариши ва молия бозорларидаги ликвидликнинг қимматли қоғозлар ва бошқа инструментлар орқали жалб қилиниши олтинга бўлган талабни қисқартиради. Сўнгги йилларда мамлакатимиз молиявий хизматлар бозорида масофавий хизмат кўрсатиш ва мобил иловалар орқали онлайн банкинг хизматлари кўрсатиш ҳажми ва турлари сезиларли тарзда кенгайди. Молиявий хизматлар бозоридаги жараёнлар жаҳон бозорларида кечаётган пост-пандемия тебранишлари, молия бозорларидаги рецессион кузатмалар, нотинч ва зиддиятли жараёнлар остида кечди.

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташқи таъсирлар ортиши, келажакдаги ноаниқликлар, жаҳон бозорларида кечган кескин тебранишлар ва асосий ҳамкор мамлакатларда фонд бозорлари ва валюта бозорларидаги тебранишларни эътиборга олган ҳолда дан мувозанатли монетар сиёсатини давом эттирди. Йилнинг биринчи чорагида жаҳон бозорларида юз берган кескин ўзгаришлар, асосий савдо ҳамкорларининг валюта бозоридаги ноаниқликлари ва бунинг ортидан Марказий банк асосий % ставкасини 14%дан 3%лик бандга ошириб, 17% қилиб белгилаган бўлса, иккинчи чоракда жаҳон бозорларидаги танглик юмшаса-да, қатор инфляцион хатарлар сақланиб қолганлиги туфайли асосий ставкани 10 июнда 16%га, 22 июлда 15%гача тушириш ҳақида қарор қабул қилди.

2022 йилда мамлакатимизда молиявий хизматларни амалга оширувчи кредит ташкилотлари сони 190 тага етди (йил бошида 177 та). Шундан, 33 таси тижорат банклари, 157 таси нобанк кредит ташкилотларидир (77 та микромолия ташкилотлари, 79 таси ломбард ва 1 та ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти). 3 та банк интернет-банк сифатида масофавий хизмат кўрсатмоқда (“TBC Bank”, “Anor Bank”, “Uzum Bank”).

2022 йил 1 декабрь ҳолатига банк тизимидаги жами активларнинг 78%и давлат тасарруфидаги тижорат банкларига тегишли бўлиб турибди. Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати давлат банкларида 231,4% бўлса, бошқа тижорат банкларида 80,3%ни ташкил қилмоқда. Мамлакатимизда банклар томонидан жами кредит қўйилмалари 382,1 трлн сўмни (*ўтган йилга нисбатан 19% ўсиш*) ташкил этган ва жами депозитлари ҳажми 216,5 трлн сўмни ташкил қилиб, депозитларнинг кредитларга нисбати (56,7%) ўтган даврга (44,7%) нисбатан ижобий ўзгарган, таркибий жиҳатдан кредит қолдиқларининг 25,6%и жисмоний, 74,4%и юридик шахслар ҳиссасига тўғри келган бўлса, депозитлар тақсимооти 26,7%га 73,3%ни ташкил қилган. Бунда жисмоний шахсларнинг фаоллиги ўтган йилга нисбатан 3-4%га ошиши кузатилган. Банк тизимидаги муаммоли кредитларнинг (NPL) жами кредитлардаги улуши 2022 йил 1 декабрь ҳолатига ўртача 4%ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7% пасайган, яъни жами кредит портфели 61,3 трлн сўмга ошган бўлса-да, NPL 3,1 трлн сўмга пасайган.


Бунда жами кредит портфелининг 83,4%и (318,8 трлн сўм) 12 та давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига, қолган қисми (63,3 трлн сўм) 19 та хусусий банклар ҳиссасига тўғри келган. Ҳисобот даврида Ўзагроэкспортбанкдан ташқари (95,8% NPL улуши) барча давлат банкларида муаммоли кредитлар улушининг пасайиши кузатилган. Аксинча, хусусий банкларда муаммоли кредитлар улуши ўтган даврга нисбатан Траст банкда (1,4 %га), Давр банк (0,7 %га), Тенге банк (1,3 %га), Анор банк (0,9 %га), Зираат банк (2,7 %га) ва Равнақ банкда (39,9 %га) ошган.

2022 йил 1 декабрь ҳолатига масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимдан фойдаланувчилар сони жами 29 210 (2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 20

203, 11 ойда 45% ўсиш), шундан 28 046 нафар жисмоний шахс (19 235 минг, 46%), 1 164 нафар юридик шахсларни (968,6, 20%) ташкил этган. 2022 йил 1 октябрь ҳолатига 46 та интернет-банкнинг тўлов ташкилотлари (шундан 10 таси 2022 йил лицензияланган), 15 та электрон пуллар тизимлари (5 таси 2022 йил лицензияланган) Марказий банк томонидан рўйхатдан ўтказилган.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР Молиявий бозорлар ривожланиб бориши билан корпоратив қимматли қоғозлар бозори, якуний босқичда эса қимматли қоғозлар бозори вужудга келади. Ўз навбатида, молиявий деривативларнинг ҳамда бошқа мураккаб молиявий инструментларнинг жорий этилиши тизимнинг янада мураккаблашиб боришига хизмат қилади. Одатда, банклар миқдорларга кредит бериш бўйича қарор қабул қилганда миқдор тўғрисида етарли маълумотга эга бўлади. Бу эса, гаров талабларини енгиллаштиришга ва миқдорларга кредит тақдим этиш имкониятларини вужудга келтиради. (1.3-расм)

Ўз навбатида, молия соҳасида кредитлаш талабларининг мавжудлиги корхоналарнинг молиявий интизомини маълум даражада яхшилаш, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг илғор стандартларини жорий этишга ундайди. Шу ўринда, молия бозорларининг банкларга нисбатан бир қатор афзалликларини ҳам қайд этиш керак. Жумладан, молия бозорида нисбатан юқори хатарга эга бўлган инновацион ва юқори даромадли лойиҳаларни молиялаштириш имкониятлари мавжуд. Банкларда эса, таваккалчилик меъёрлари бирмунча чекланганлиги билан фарқланади.




1.4-расм. Мамлакатлар кесимида жами молиялаштириш ҳажми (ЯИМга нисбатан фоизда)

Манба: Жаҳон ривожланиш кўрсаткичлари маълумотлари

Бундан ташқари, молия бозорида ўрнатилган меъёрлар корхоналарнинг бошқарув сифатини яхшилашга ва бунда самарасиз фаолият юритаётган бошқарув тизимларни ўзгартиришга катта хизмат қилади. Шунингдек, ноаниқликлар юқори ва тез ўзгарувчан вазиятларда молия бозорлари маълумот тўплашда, шу билан

бирга, инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жорий етишда юқори мослашувчанлик хусусиятига эга бўлиб, банк тизимидан фарқли ўлароқ, мулкчилик концентрациясини камайтиришга ҳисса қўшади.

Молия бозорларида турли соҳадаги корхоналар, шу жумладан, инновацион корхоналар учун қимматли қоғозларни бирламчи сотиш имкониятларининг мавжудлиги зарурий молиявий ресурсларни жалб қилишни бирмунча соддалаштиради. Шунингдек, корхоналар ўз фаолиятларини етарли даражада молиялаштириш мақсадида белгиланган талабларга, шунингдек, шаффофликни таъминлашга интилади.(1.4-расм)



1.5-расм. Корхоналарнинг банк ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичи
(респондентлар улуши, фоизда)

Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ривожланаётган бозорлар учун банк тизими муҳимроқ ҳисобланади. Шу ўринда, даромадлар кўпайиб бориши билан молия бозорларининг аҳамияти ҳам ортиб боради.

Кўплаб ривожланаётган мамлакатлар бугунги талабга жавоб берадиган, шу билан бирга, мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлашга қодир бўлган молия соҳасини ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар ва стратегияларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, Чилида молия соҳасидаги ўзгаришлар ушбу соҳани эркинлаштириш жараёнлари билан бошланди. Бунда, ҳукумат банк тизимидаги маъмурий тартибга солиш ҳолатларини, шу жумладан, фоиз ставкалари ва кредитлар устидан назоратни бекор қилди ҳамда давлат улуши бўлган банкларни хусусийлаштирди.

Шунингдек, молия соҳасини эркинлаштириш қуйидаги йўналишларда давом эттирилди. Хусусан, фонд бозори, сўнгра суғурта бозори ислоҳ қилинди. Тўлиқ жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш бўйича тартиблар соддалаштирилди.

Ушбу давлатда пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари ҳамда бошқа молиявий активларнинг молия соҳасидаги (инвестиция фондлари) улуши барча активларнинг деярли ярмини ташкил қилди. Бу ҳолатлар маҳаллий капитал бозорининг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшади. Пенсия жамғармалари ҳамда суғурта компаниялари яхши ривожланганлиги глобал молиявий беқарорликнинг салбий таъсирларини юмшатишга хизмат қилади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА Таҳлилларга кўра, Чилида 2020 йилда хусусий сектор ва фонд бозорига йўналтирилган маҳаллий кредитларнинг умумий ҳажми ЯИМга нисбатан 197,6 фоизни ташкил этди. Бунда, банклар томонидан хусусий секторнинг кредитлаш ҳажми ЯИМнинг 88,7 фоизига тенг бўлди. Малайзия молия соҳасининг етарли даражада ривожланганлиги (хусусий сектор кредити – ЯИМга нисбатан 134 фоиз, фонд бозори капиталлашуви – ЯИМга нисбатан 129,5 фоиз) мамлакатнинг макроиктисодий барқарорлигини таъминлашга ҳамда соҳанинг ташқи шокларга нисбатан молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, молия бозорининг оммабоплиги молиявий ресурслар нархининг пасайишига, натижада эса, давлат ва хусусий инвестицияларни рағбатлантирган ҳолда иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлайди. Миллий валютадаги акциялар ва облигациялар бозорининг кенгайиб бориши молия соҳасининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этган ҳолда, мамлакат иқтисодиётини, хусусан, молия соҳасини ташқи беқарорликдан маълум маънода ҳимоя қилмоқда.

Шу ўринда, микромолиялаш тизимининг кўламини кенгайтириш ва хизматлари сифатини ошириш, шунингдек, молиявий саводхонлик ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимларини ривожлантириш орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларини қамраб олиш бўйича сезиларли ютуқларга эришилди. Ислон молиясининг ривожланиши эса молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтirdи.

2001 йилдан 2020 йилга қадар Малайзияда молия тизимининг ривожланишига бу борада тузилган икки бош режа асос бўлди. Биринчи бош режа молия тизимининг институционал салоҳиятини ошириш ва мамлакат молия инфратузилмасини ривожлантиришни қамраб олган. Мазкур режа амалга оширилиши натижасида молия сектори бозор механизмларига асосланди ва молия бозорида рақобат муҳити яратилди.

Ушбу режаларни амалга ошириш доирасида молия соҳасида тартибга солиш тизimini такомиллаштириш ва кичик бизнесни молиялаштириш экотизimini ривожлантиришга ҳам асосий эътибор қаратилган.

ХУЛОСА Марказий банк очик бозор сиёсати жаҳон амалиётида иқтисодиётга билвосита таъсир кўрсатиш бўйича пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири ҳисобланади. Марказий банк очик бозорда ўз ҳисобидан юқори ликвидли қимматли қоғозларни, шу жумладан ички қарзни ташкил этадиган давлат қимматли қоғозларни олдиндан белгиланган нархда

сотади ёки сотиб олади. Ушбу инструмент тижорат банкларининг кредит операцияларини ва ликвидлигини тартибга солувчи энг мослашувчан инструмент ҳисобланади.

Кредит ресурсларининг кредит бозоридан чиқиб кетишига қаратилган қатъий чеклов сиёсати билан марказий банк сотиш нархини пасайтиради ёки сотиб олиш нархини кўтаради ва шунга мувофиқ унинг бозор курсидан четланишини оширади ёки камайтиради. Агар марказий банкнинг мақсади банк тизими захираларини камайтириш бўлса, у шартнома сиёсатини олиб бориб, очик бозорда таклиф тарафида ҳаракат қилади. Бундай ҳолда, у ўз мақсадини амалга ошириш учун иккита имкониятга эга:

1. Қимматли қоғоз курсини эълон қилади. Бунда Марказий банк ушбу курсга эриши учун исталган миқдордаги қимматли қоғозларни таклиф қилади;

2. Маълум миқдордаги қўшимча қимматли қоғозларни таклиф қилади. Агар марказий банкнинг мақсади банк тизими захираларини кўпайтириш бўлса, у очик бозорда талаб тарафида ҳаракат қилади. Бундай ҳолда, марказий банк ўз мақсадига эришиш учун иккита имкониятдан бирини танлайди:

3. Қимматли қоғоз курсини фиксирлайди. Бунда Марказий банк ушбу мақсадга эришиш учун исталган миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олади; . Таклиф қийматидан қатъи назар, маълум миқдордаги ликвид қимматли қоғозларни сотиб олади.

Агар марказий банк қимматли қоғозларни тижорат банкларидан сотиб олса, у уларнинг марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларига маблағ ўтказиб беради ва шу тариқа банкларнинг кредитлаш имкониятини оширади. Улар пул массасига ҳисобланган реал пул кўринишидаги нақд пулсиз шаклда ва керак бўлганда нақд пулга айланадиган кредитлар беришни бошлайдилар. Агар марказий банк қимматли қоғозларни сотса, тижорат банклари ўз вакиллик ҳисобварақларидан бундай харидни қоплаб беради ва шу орқали пул эмиссияси қисқаради ва бу ўз навбатида банкларнинг иқтисодиётни кредитлаш имкониятини пасайтиради.

Марказий банк очик бозорида яна бир муаммо шундаки, бунда пул бозори фоиз ставкасига қараганда очик бозорда фойдаланаётган қимматли қоғозлар фоиз ставкаси паст юрмоқда. Яъни пул бозоридаги фоиз ставка бу банклараро кредит фоиз ставкасидан кўра тижорат банклари ресурсларини жойлаштириши мумкин бўлган фоиз ставкани англатади. Демак, тижорат банклари учун очик бозордан қимматли қоғозлар сотиб олгандан кўра бошқа тижорат банкларига кредит ажратгани афзал кўринади.

Юқоридаги муаммоларнинг бартараф этилиши Марказий банк пул-кредит сиёсати инструментларидан самарали фойдаланишга сабаб бўлади. Хусусан, Марказий банк томонидан пул таклифини тартибга солишда, уни инфляцияга қарши курашишда ва ЯИМ ўсиши йўлида ижобий ишлатишга туртки бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони
3. Молиявий барқарорлик шарҳи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан йилига икки марта чоп этилади. 2022 йил I ярим йиллик. www.cbu.uz
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ- 5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
6. Турсунова Н.Р. Корпоратив тузилмаларда молиявий ресурсларни самарали бошқаришда корпоратив облигациялардан фойдаланиш. “Иқтисодиёт ва таълим“ илмий журнали. 2017 йил 2-сон, 59-68-бетлар.
7. Худойқулов Х.Х. Фонд бозори активларини баҳолаш моделлари таҳлили ва уларнинг назариялари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил
8. Жўраев И.И. Банк ликвидлигини бошқариш. // «Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги» мавзусидаги республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Т.: ТМИ, 2011. 6 май 190-192 бетлар.
9. www.deponet.uz — Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлигининг маълумотлари.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йиллик ҳисоботлари.
12. «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ ҳисоботлари
13. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ ҳисоботлари
14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳисоботлари

OLIY TA'LIM TIZIMINI BOSHQARISHDA RAHBAR FAOLIYATIDA MERITOKRATIK TAMOIYILLAR

Xolmatov Asqar Arolovich